

ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Норматов Исомиддин Дусткул ўғли

Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратураси

“Прокурорлик фаолияти” йўналиши тингловчиси

normatovisomiddin36@gmail.com

Аннотация: *ушбу мақолада хуфёна иқтисодиётга қарши курашиш ва унинг салмоғини камайтириш йуллари, шунингдек, хуфёна иқтисодиётга қарши курушишининг умумий тавсифи ва усуллари ҳамда хуфёна иқтисодиётнинг салмоғини камайтириш йўлидаги қабул қилинаётган норматив ҳужжатлар ва ислоҳатлар ҳақида сўз боради.*

Калит сўзлар: *хуфёна иқтисодиёт, норасмий иқтисодиёт ва яширин иқтисодиёт, жиноий иқтисодий фаолият, нарқобизнес, мансабни суиистеъмол қилиш ва коррупция.*

Аннотация: *в данной статье рассказывается о путях борьбы с теневой экономикой и снижении ее веса, а также дана обшая характеристика и методы борьбы с теневой экономикой, а также принятые нормативные документы и реформы по снижению веса теневой экономики.*

Ключевые слова: *подпольная экономика, неформальная экономика и теневая экономика, криминальная экономическая деятельность, нарқобизнес, злоупотребление служебным положением и коррупция.*

Abstract: *this article talks about the ways to fight against the shadow economy and reduce its weight, as well as the general description and methods of fighting against the shadow economy, as well as the adopted regulatory documents and reforms to reduce the weight of the shadow economy.*

Key words: *secret economy, informal economy and underground economy, criminal economic activity, drug business, abuse of office and corruption.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 24 январь санасида Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида “Ҳозирги глобализация даврида иқтисодий ўсиш ҳар бир давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Лекин дунё мамлакатларининг соғлом ривожланиши учун мамлакат иқтисодиётига расмий статистикаларда қайд этилмайдиган, латентлик ҳусусиятига эга бўлган тўсиқлар мавжуд. Шундай тўсиқлардан бири “яширин иқтисодий фаолият” ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, инсон омили билан изоҳланади. Ислохотларимизга жиддий тўсқинлик қилаётган “яширин иқтисодиёт”га қарши курашилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шаклланмайди”, деб таъкидлаган еди.

Авваламбор, хуфёна иқтисодиётга қарши кураш усуллари хуфёна иқтисодиётга қарши кураш сабаблари, усуллари ҳамда воситаларини белгилаш лозим, кейинчалик, унинг кўлами ва динамикасини аниқлаш лозим бўлади. Ривожланган мамлакатларда хуфёна иқтисодиёт кўламларини аниқлашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

1. Индикаторлар услуги. Уларнинг таркибида тўғридан-тўғри ва билвосита (эгри) услублар мавжуд. Тўғридан-тўғри услублар махсус кузатув, сўровлар ўтказиш, айрим солиқ тўловчилар даромадлари ва харажатлари ўртасидаги номувофиқликларни аниқлаш мақсадида текширишлар, таҳлиллар ўтказишни ўз ичига олади. Билвосита (эгри) услублар бандлик кўрсаткичлари бўйича монетар услубларни ўз ичига олади.

2. Енгил моделлаштириш услуги, яъни детерминантларни баҳолаш. Ушбу услубда хуфёна иқтисодиётни аниқлаштирувчи жами кўрсаткичлар танлаб олиниб, унинг нисбий ҳажмлари ҳисобланади.

3. Структуравий таркибий услубларда турли ишлаб чиқариш тармоқларида хуфёна иқтисодиёт ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, ахборотлардан фойдаланилади.

4. Аралаш услубларда хуфёна иқтисодиёт ҳажмларига боғлиқ ўлчовлардан, яъни детерминант ва индикаторларни ҳисобга олган ҳолда моделлар яратилади.

5. Хуфёна иқтисодиётни баҳолашда макроиқтисодий кўрсаткичларни интеграл баҳолаш услуги.

6. Расмий статистика кўрсаткичларини, турли қайта ва қўшимча ҳисоблашлар асосида хуфёна иқтисодиёт ва унинг алоҳида элементларини баҳолаш .

Бундан ташқари, хуфёна иқтисодиётга қарши курашда қуйидаги усуллардан ҳам фойдаланилади:

- радикал-либерал, яъни дастлабки жамғарилган капитал энг юқори суръатларига мақсадли чекловлар белгилаш йўли;

- репрессив усуллар хуфёна иқтисодий фаолиятга қарши ҳуқуқ-тартибот, хавфсизлик органлари фаолиятини кенгайтириш ва кучайтиришни тақозо этади;

- бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш билан ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуи .

Хуфёна иқтисодий фаолиятга қарши курашнинг энг муҳим йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Ноқонуний бизнес ва тадбиркорликнинг олдини олиш ҳамда барҳам бериш.

2. Ёлғон тадбиркорликка қарши кураш.

3. Тижорат мақсадида сотиб олиш - давлат ва хўжалик бошқарувида фаолият кўрсатаётган мансабдор шахсларга ноқонуний тарзда пул, қимматли қоғозлар, бош мулккий қийматларни ўз хизмат мавқеидан келиб чиққан ҳолда кўрсатган хизмати, яъни тижорат ёки банк сирини ошқор қилгани, пора берувчига ноқонуний ҳатти-харакати учун шароит яратиб бериши, ҳисобланади.

4. Жинойий йўллар билан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши таъсир механизмини яратиш.

5. Ёлгон банкротликка қарши қонунчиликда белгиланган жавобгарликни янада ошириш.

6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг боғхона тўловларини тўлашдан бўйин товлашларига қарши чора-тадбирларни, жазо чораларини қўллаш.

7. Контрабанда, мамлакатга товарларни ноқонуний тарзда олиб кириш ва ташқарига ноқонуний тарзда товарларни олиб чиқиб кетишга қарши кучли тизимни қарор топтириш .

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, мамлакатимизда иқтисодий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик масалаларини қўйидаги йўналишларда такомиллаштириш таклиф қилинади:

Биринчидан, иқтисодий ҳуқуқбузарликларни фош этиш ва бартараф этишда шахснинг иштироки даражасига (ҳамкорлик) қараб жавобгарлик чораларини дифференциация қилиш ҳамда янада либераллаштириш лозим. Аксарият иқтисодий ҳуқуқбузарликларни фош этиш учун солиқ тўловчининг ҳамкорлиги талаб этилади. Акс ҳолда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни фош этиш жуда қийин, кўп вақт ва ресурсларни талаб этади. Шунга кўра, солиқ тўловчининг назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган билан ҳамкорлик қилганлиги, ҳуқуқбузарликни очишда фаол ёрдам берганлиги учун белгиланган санкция ва жазо чораларини иккидан бир қисмга қисқартирилишини назарда тутиш таклиф қилинади. Бу ҳар икки томон ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва самарали мулоқот ўрнатиш учун ҳуқуқий замин яратади.

Иккинчидан, иқтисодий ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ аниқланган ишларни судга ёки тергов органига ўтказмасдан ваколатли органлар (прокуратура, Иқтисодий жинойятларга қарши курашиш департаменти, солиқ, боғхона ва бошқа органлар) ва ҳуқуқбузар тараф ўртасида судгача келишув битимини имзолаш орқали ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирларни киритиш таклиф қилинади. Мазкур институт солиқ ҳуқуқбузарликлари учун тезкор ва ортиқча тартиб-таомилларсиз жазо санкцияларини қўллаш, етказилган иқтисодий зарар ва пеняларни тўлиқ ундириб олиш, келгусида бу каби ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни ўз зиммасига олишни назарда тутати.

Учинчидан, иқтисодий ҳуқуқбузарликни квалификация қилиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жинойят кодексига белгиланган миқдорларга (анча, кўп, жуда кўп миқдор) бевосита боғлаб қўйилган, шунингдек қўлланиладиган жазо чораларининг минимал ва максимал миқдорлари кўрсатилган. Жавобгарликни белгилашда мазкур миқдорлар билан бир қаторда етказилган зарар миқдори жами мажбуриятнинг (солиқ ва бошқа турдаги мажбуриятлар) қанчасини ташкил этишига қараб ҳуқуқбузарликни кўшимча квалификация қилиш таклиф қилинади. Бунда етказилган зарар жами мажбурият суммасининг 15%дан кам бўлган ҳолларда жавобгарликни нисбатан енгилроқ санкция доирасида квалификация қилиш таклиф

қилинади. Шунингдек, жазо чораларини қўллашда субъективизмга йўл қўймаслик мақсадида қўлланиладиган санкция миқдорининг минимал ва максимал миқдорларини ўрнига аниқ миқдордаги жарималарни (20%, 30% ёки 2 барабар, 4 барабар) белгилаш лозим. Шунга кўра, Жиноят кодексининг 184-моддаси тўртинчи қисмини чиқариб ташлаш, моддани янги қисм билан тўлдириш, унда шахс томонидан солиқларни тўлаш билан боғлиқ жиноят қайта содир этилган тақдирда, тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни 2 карра миқдорида, уч ва ундан ортиқ ушбу турдаги жиноят содир этилган бўлса 4 карра миқдорида, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланса, шахсни жавобгарликдан озод қилиш таклиф қилинади.

Тўртинчидан, иқтисодий ҳуқуқбузарликлар учун муқобил санкцияларни жорий этиш таклиф қилинади. Солиқ тўлашдан бўйин товлаган ёки қарзи маълум бир миқдордан ошган солиқ тўловчиларни обрўсизлантириш мақсадида уларни ҳар чоракда қарздорлар рўйхатида чоп этиш амалиётини жорий этиш таклиф қилинади.

Бешинчидан, Солиқ кодексининг 223-моддасига асосан юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши белгиланган бўлса-да, МЖТК ва Жиноят кодексига юридик шахснинг жавобгарлиги назарда тутилмаган. Айрим ҳолларда иқтисодий ҳуқуқбузарликларнинг айнан ким томонидан содир этилганлигини аниқлаш ва исботлаш мураккаблиги ва бошқа муаммоларни инобатга олиб, юридик шахслар учун жавобгарликни белгилаш таклиф қилинади.

Олтинчидан, коррупция, иқтисодий ҳуқуқбузарликлар ва хуфиёна фаолият юритаётган шахслар тўғрисида аноним тарзда ёхуд аризагининг шахси сир сақланишини таъминлаган ҳолда турли воситалар ёрдамида электрон, оғзаки ёки ёзма шаклда мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтириш, бунда нодавлат нотижорат ташкилолари, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг иштирокини кенгайтириш орқали жамоатчилик назорати механизмларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш зарур.

Мазкур чора-тадбирлар иқтисодий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни янада либераллаштириш ва такомиллаштириш, инсофли тадбиркорларни рағбатлантириш, иқтисодий ҳуқуқбузарлик ҳолатларини ихтиёрий бартараф этилиши ва ўзаро ҳамкорликни рағбатлантириш ҳамда судгача келишув институти имкониятларидан кенгрок фойдаланишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда жиноий хуфёна иқтисодиётга, коррупцияга қарши курашнинг узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бу стратегия доирасидаги жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш йўлидан янада изчил бориш.
2. Ҳалол тадбиркорлик учун чинакам эркинликни таъминлаш.
3. Ўзбекистонда ҳуқуқ ва суд тизимини такомиллаштириш ҳамда ислоҳ қилиш.

4. Фуқароларнинг турли, шу жумладан, иқтисодий ҳуқуқбузарликка қарши ички имкониятлари ва юксак даражадаги ахлоқи жиноятчилик ва коррупция жамиятга олиб кирадиган емирилишдан энг яхши ҳимоя ҳисобланади.

5. Жиноятчилик ва коррупцияга қарши мурасасизлик муҳитини вужудга келтириш.

Хуфёна иқтисодиётга қарши курашиш учун корхоналар хўжалик молиявий фаолияти, жисмоний шахсларнинг даромад олиши ва харажатлари тўғрисидаги ҳаққоний ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш асосида иқтисодий-ижтимоий жараёнларни кенг қамровли назорат қилиш тизимини шакллантириш лозим. Бунда давлат бошқа органлар, нодавлат ташкилотлар, уюшмалар билан ўзаро боғлиқликда алоқадорлик, ҳамкорликни йўлга қўйиши керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганимизда, бир қатор олимлар ва амалиётчиларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг жиноий фаолият натижасида олинган мол-мулкни топшириш, конверсия қилиш ёки алмаштириш, шунингдек асл моҳиятини, манбасини, келиш йўлини ва манбасини яшириш ёки яшириш орқали эгаллик қилиш, мулкка ёки унинг мулкига нисбатан асл ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш, агар бундай мулк жиноий фаолият натижасида олинган бўлса, объектив томон деб ҳисоблаш даркор. Бу эса ўз навбатида жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш жиноятлари учун суд ҳукм чиқаришда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи аломатларни борлигини ҳисобга олувчи жараён эканлиги аниқдир.

Мамлакатимизда хуфёна иқтисодиётни қисқартириш бўйича стратегик йўналишларни белгилаш ва бунда, барча манфаатдор вазирлик ва идораларни сафарбар этган ҳолда, қуйидаги йўналишларда чораларни амалга ошириш: 2023-2024 йилларда алоҳида корхона ёки тармоқларга берилган имтиёزلарни тўлиқ танқидий хатловдан ўтказиш ва бекор қилиш орқали барча бозор иштирокчилари учун тенг имкониятларни ҳамда соғлом рақобат муҳитини яратиш; импорт товарларининг ички бозордаги улгуржи савдосини фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида амалга оширилишини тўлиқ таъминлаш ва буни назорат қилиш учун импорт маҳсулотлари ҳаракати бўйича ягона ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш; солиқдан қочиш ҳолатларида жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, расмий иқтисодиётда ишлашни яширин иқтисодиётда фаолият юритишдан кўра манфаатли қилиш, бу борадаги тўсиқларни бартараф этиш, барча ахборот воситалари орқали тушунтириш ишлари кўламини кенгайтириш; юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларига молиявий ёрдам ва қарз сифатида йўналтирилаётган маблағларга нисбатан жисмоний шахсларнинг даромад солиғига тортиш амалиётини жорий этиш, маблағлар тўлиқ қайтарилганда ушбу тушумларни солиқ базасидан чиқариш; жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизими доирасида шубҳали миқдорлар ва операцияларни олдиндан аниқлаш индикаторларини жорий этиш ва мониторингини кучайтириш асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Абулқосимов Х.П. Иқтисодий хавфсизлик. Ўқув қўлланма, -Т.: Академия. 2006.
- 2.Қобилов Ш.Р. Глобаллашув ва хавфсизлик. –Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2006. 27-38-бетлар.
- 3.Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодий хавфсизлик: назария ва амалиёт. Ўқув қўлланма.-Т.: Ноширлик ёғдуси, 2019.-485-бет
- 4.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
- 5.Hart K. Informal Urban Income Opportunities and Urban Employment in Ghana //Journal of Modern African Studies.1973.Vol. 11. №1. P.61-90).
- 6.Файг Э. Определение и оценка подпольной и неформальной экономики: неоинституциональный подход. –М.: РГГУ, 2000. -147 с.
7. Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность: Ростов на Дону: Феникс, 2007. - С-171.
8. Ланд П. Организованная преступность тайная история самого прибыльного бизнеса в мире: пер с англ. – М.: АСТ: Астрель, 2005 –С 11-43.
- 9.Директива Европейских Сообществ (СЕС) от 10 июня 1991 г. о предотвращении использования финансовой системы для отмывания денег (91/308/ЕЕС) -52р.
- 10.Болотский Б.С. «Теневые» параметры реформируемой экономики // Рос. экон. журн. – 1996. -108 стр.